



YOSHLAR OVOZI

Biz — kelajak bunyodkorimiz!

№ 65 (16370) 17-AVGUST, SHANBA

O'zbekiston yoshlar ittifoqining ijtimoiy-siyosiy, iqtisodiy, adabiy-badiiy gazetasi

www.yoshlarovoz.uz yoshlarovoz@mail.ru @yoshlarovoz



Jonajon O'zbekistonim, mangu bo'l omon!

Юртим келажаги — менинг тақдиримда



Мустақиллик — Яратганнинг халқимизга берган бебаҳо инъоми. Уни асраш, авлодларга етказиш ҳар биримизнинг шарафли вазифамиз.

Билимли, интеллектуал ривожланган, ўзини ва ўзлигини англаб етган ёш авлод бу борада биз суянадиган катта кучдир. Давлатимиз раҳбари Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришиш тантанали маросимига бағишланган Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги нутқда шундай деган эди: "Биз ёшларга доир давлат сиёсатини ҳеч оғишмасдан, қатъият билан давом эттирамиз. Нафақат давом эттирамиз, балки бу сиёсатни энг устувор вазифамиз сифатида бугун замон талаб қилаётган юксак даражага кўтарамиз. Ёшларимизнинг мустақил фикрлайдиган, юксак интеллектуал ва маънавий салоҳиятга эга бўлиб, дунё миқёсида ўз тенгдошларига ҳеч қайси соҳада бўш келмайдиган инсонлар бўлиб камол топиши, бахтли бўлиши учун давлатимиз ва жамиятимизнинг бор куч ва имкониятларини сафарбар этамиз".

Бу сўзларнинг амалий ифодаси ўларок, мамлакатимизда ёшлар манфаати, уларнинг орзу-истакларини рўёбга чиқариш, муаммоларини бартараф этишга катта эътибор берилмоқда. Ўғил-қизларни ягона мақсад — Ватан рақнаки йўлида бирлаштириш борасида қўллаб-таъминлаш, тарғибот лойиҳалари ўтказилмоқда.

Жумладан, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Президентимизнинг 2019 йил

8 июлдаги "Ўзбекистон Республикаси Давлат мустақиллигининг йигирма саккиз йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва ўтказиш тўғрисида"ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида Самарқанд ва Жиззах вилоятларида ўғил-қизларни мамлакатимизда кечаятган ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий жараёнлар, демократик ўзгаришлар билан яқиндан таништириш, уларда юртимиздаги ислохотларга дахл-

дорлик туйғусини шакллантириш ва ижтимоий фаоллигини ошириш учун "Жонажон Ўзбекистоним, мangu бўл омон!" шиори остида тарғибот лойиҳасини ўтказди. Тарғибот ҳафталигида таниқли шоир-ёзувчилар, фан-таълим фидойилари, Иттифоқ қошидаги маъсул ташкилот мутасаддилари иштирок этди.

Илк манзил — Самарқанд вилояти бўлди.

Давоми 2-3-саҳифаларда.

Иттифоқ кафиллиги остида

Судланди, аммо...

Қорақалпоғистонлик Самандар Қадиркулов гўрлик қилиб, жиноят кўчасига кирди. 19 яшар йигит қилмиши қандай оқибатларга олиб келишини, жон-жигарларига қанчалик жабр бўлишини билганида-ку, шайтон измидан бормасди, албатта. Аммо сўнги пушаймон ўзинга душман, дейдилар. Жиноятга эса жазо муқаррар.

Инсонга қасддан оғир тан жароҳатини етказгани учун Самандар судланди. Унга Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 104-моддаси билан айблов қўйилди. Жиноят иши юзасидан ўтказилган очик суд мажлисида Ёшлар иттифоқининг Хўжайли тумани кенгаши вакиллари ҳам иштирок этди. С.Қадиркулов қилмишидан чин дилдан пушаймон бўлгани боис, Иттифоқ уни ўз кафиллигига олишини маълум қилди.

Суд мурожаатни қаноатлантирди. Самандарга озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазо чораси қўлланилди.

Туман ҳокими Женис Ермашев суд мажлисида сўз олди экан, жиноятчилик ва ҳуқуқбузарлик билан курашишда кенг жамоатчиликнинг фаоллиги муҳим аҳамият касб этишини, одамлар бир-бирига бефарқ бўлмаса, оқибат йўқолмаса, кўпгина муаммоларнинг олди олинишини таъкидлади.

Имконият

Бир гектардан барака унар

Юртимизда "Ҳар бир ёшга бир гектар" лойиҳаси амалга оширилмоқда. Ёшлар иттифоқи ва "Yoshlar — kelajagimiz" жамғармасининг биргаликдаги ташаббуси ишосиз юрган юзлаб тенгдошларимизга ердан даромад олиш имконини яратди.

Навоий вилоятида ҳам фермерлар билан келишилган ҳолда галладан бўшган гектарлар ёшларга тақририй экин экин мақсадида тақсимлаб берилляпти.

— 107 гектар ерим бор, — дейди карманалик Юлдаз Норкулова. — Асосан пахта ва галла етиштирамиз. Фермер хўжалигимиз кўп тармоқли бўлиб, богдорчилик ва паррандчиликка ихтисослашган. Йилига 300 миллион сўмгача даромад кўраямиз. "Ҳар бир ёшга бир гектар" йигит-қизларнинг бандлигини таъминлашга хизмат қиладиган лойиҳа. Унга ўз хиссамни қўшаётганимдан хурсандман. Ёшларга 5 гектаргача ер ажратиб бердик. Аксарияти мош, шолі экди. Ишончим комилки, улар меҳнатига яраша, албатта, барака топади.

Жамшид МУСАЕВ

Таҳил ва тақин

ТУРИЗМ тараққиётнинг янги босқичида

натижа қандай бўлишини вақт кўрсатади



Жорий йилнинг 13 август куни Президентимиз "Ўзбекистон Республикасида туризм соҳасини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармонга имзо чекди. Кўпгина оммавий ахборот воситалари мазкур ҳужжат соҳадаги ислохотларнинг янги босқичини бошлаб бергани хақида ёзган.

Ушбу фикрда жон бор. Зотан, фармонда белгиланган вазифалар кўлами, тармоқдорлиги, мазмун ва аҳамияти анча кенг. Ёндашувдаги ўзига хослик ҳам киши эътиборини жалб қилди.

Инчунин, мамлакатимиз сайёҳлик салоҳиятини оширишга хизмат қиладиган, таъбир жоиз бўлса, кўпдан бери ечимсиз қолаётган бир қанча принципиал муҳим масалалар эндиликда нафақат ижрога йўналтирилипти, балки ўша ижро механизми қай тарзда ва қайси молиявий манбалар ҳисобига ишлаши хусусида аниқ-тиниқ гап айтилмоқда.

Авиациямагар сифати ва рентабеллигини оширишдек биз учун ҳамон оғриқли бўлиб турган масалани олайлик. Ҳар қайси сайёҳ сафари имкони борича камхарж бўлишини хохлайди. Бу истакнинг қондирилиши туристик хизматлар бозоридаги рақобат муҳитига бевосита боғлиқ. Яъни сайёҳлик индустрияси субъектларининг бозорда яқка ҳуқуқдорлик ўрнатилишига йўл қўйиб бўлмайди. Акс ҳолда, улар ноинсоф хизмат кўрсатувчига айланади. Истеъмолчи эса нарх-навоининг асосисиз оширилишидан азият чекиши муқаррар. Бундай ҳолатни миллий авиакомпаниямиз фаолияти мисолида узоқ вақтдан буён кузатиб келямиз. Тўғри, мазмурий ричаглар орқали вазиятни ўзгартришга бир неча бор уриниб кўрилди. Бирок хозирча ҳаммаси қоғозда. Амалда эса ахвол ўша-ўша.

Давоми 2-саҳифада.

Eshitdingizmi?

Ўзбекистон АрМИ-2019 ғолиби

Бешинчи бор ўтказилаётган Халқаро армия ўйинларининг "Ҳарбий-тиббий эстафета" йўналиши бўйича мусобақага биринчи марта Ўзбекистоннинг Фориш полигони мезбонлик қилди.



нинг 200 нафарга яқин ҳарбий-тиббий мутахассислари нафақат юқори касбий маҳоратини, балки ҳарбий биродарлик ва дўстона муносабатларини ҳам намойиш қилди.

Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги вакиллари Халқаро армия ўйинларидаги иштирокини 2017 йилда бошлаган бўлиб, бошқа мамлакатлар томонидан кучли рақиб сифатида эътироф этилмоқда.

Танловнинг финал босқичида Ўзбекистон Республикаси жамоаси 5 минг 979 балл билан "Халқаро танлов ғолиби" номинацияси бўйича умумжамоа ҳисобида 1-ўринни, Қозғистон Республикаси 5 минг 116 балл билан 2-ўринни, Россия Федерацияси 4 минг 992 балл билан 3-ўринни қўлга киритди.

Қизикarli бахсларга бой мусобақада 12 кун давомида 11 та давлат-

Бунёд АБДУЛЛАЕВ

Қирғизистон Республикасининг Чон-Олой водийсидаги баландлиги 7 минг 134 метр бўлган Абу Али ибн Сино чўққисини забт этиш бўйича халқаро учрашув-мусобақаси бўлиб ўтди.

Чўққи забт этилди

Иккинчи жаҳон урушининг 75 йиллигига бағишлаб ташкил этилган мусобақада Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатларининг ҳарбий хизматчи-спортчилари иштирок этди.

Бундан кўзланган мақсад токка чиқиш, чўққига кўтарилиш бўйича тажриба алмашиш, қўшинларда альпинизм ва мазкур спорт турини ривожлантириш ҳамда оммалаштиришдан иборат.

Икки кунлик мослашувдан сўнг ўзбекистонлик ҳарбий хизматчилардан иборат гуруҳ йўналиш бўйича ҳаракатланди. Уларга қирғизистонлик икки нафар ҳарбий хизматчи ҳам қўшилди. Жамоанинг аъзолари альпинизм бўйича камиди 2-тоифа ва 4Б кийинчилик тоифаси бўйича йўналишга чиқиш ҳуқуқига эга эди.

Машаққатли йўллар, баландлик ва сойларни орта қолдириб, жамоа аъзолари кўзланган манзилга биринчи бўлиб етиб келди ва Абу Али ибн Сино чўққисига Ватанимиз байроғини қалади.

Яқиний натижаларга кўра, Ўзбекистон ҳарбийлари жамоаси 1-ўринни қўлга киритди. Иккинчи, учинчи ўринлар эса россиялик ҳамда қирғизистонлик ҳарбийларга насиб этди.

Маъмура ХУҲАҚУЛОВА

Ҳафталикнинг ёрқин тадбирлари

Шу йилнинг 22 – 27 август кунлари Тошкент, Термиз, Бухоро ва Самарқанд шаҳарларида ўтказилиши кутилаётган "Ўзбекистон – буюқ йўллар ва цивилизациялар чорраҳасида: империя, дин, маданият" мавзусидаги маданий мерос ҳафталикнинг муҳим тадбирларидан бири – бу иштирокчиларнинг Тошкентда барпо этилаётган Ислom цивилизацияси маркази ҳамда Ўзбекистон Мусулмонлари идорасига саёҳати ҳисобланади. Улар бу ерда Усмон Қуръони, Катта Лангар Қуръони нухсаларини кўришга муваффақ бўлади.

Бу нодир манбаларни кўриш учун ҳар йили Тошкентга дунёнинг турли мамлакатларидан минглаб сайёҳлар келмоқда.

Экспертларнинг фикрича, Катта Лангар Қуръони кўлэмасининг умумий ҳажми 206 саҳифа бўлиб, бугунги кунгача 97 та саҳифаси сақланиб қолган. Сўнгги тадқиқот натижасига кўра, кўлэманинг 81 варағи Россия Қўлэмалар институтида (РАН), 16 варағи Ўзбекистонда сақланмоқда.

Ислom цивилизацияси маркази эса ўз моҳиятига кўра Марказий Осиёда ягона ҳисобланади.

Президентимизнинг 2017 йил 23 июндаги "Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Ўзбекистондаги ислom цивилиза-



цияси марказини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори талабидан келиб чиқиб пойтахтимизда қурилаётган мазкур марказ улуг аждодларимиз яратган ва бугунги кунда бутун дунёни хайратга солиб келаятган илмий мерос маркази бўлиши кутилмоқда.

Марказ таркибида академия, Ислom санъати музейи, мамлакатимизда ва хорижда сақланаётган ноёб диний кўлэмалар, литографик китоблар, буюқ аллома ва дин арбоблари қолдирган тарихий ҳужжатлар, шу йўналишдаги замонавий илмий тадқиқотлар билан боғитиладиган фонд бўлиши назарда тутилган.

Рисолат МАДИЕВА



Туризм тараққийнинг янги босқичида

натижа қандай бўлишини вақт кўрсатади



САЙЁХЛИК ИНДУСТРИЯСИ СУБЪЕКТЛАРИНИНГ БОЗОРДА ЯККА ҲУКМРОНЛИК ҲАМ ИШТИРОКЧИЛИГИ

Бошланғич 1-саҳифа.

13 августдаги фармонда қайд этилган.

Келаси йил 1 январдан Ўзбекистонга чартер рейсларини ташкил қилган авиаташувчиларга ҳар бир сайёҳ учун қилинган харажатнинг бир қисми давлат ҳисобидан қоплаб берилади. Мантқиқ тушунарли: хорижий авиаконпанияларга имтиёз бериш ҳисобида сайёҳлар оқимини ошириш мумкин. Бу учала томон учун ҳам мақбул ечим. Асосийси, чипта нархларини белгилашда ҳолислик вужудга келади.

Худди шундай имтиёз хорижий кинокомпаниялар учун ҳам кўзда тутилган. Шарт шуки, улар аудиовизуал маҳсулотини республикамиз ҳудудида яратиши керак. Халқаро истилоҳда "rebate" деб номланувчи бундай амалиёт дунёда кенг тарқалган. У мамлакатнинг туристик имижини шакллантиришга ёрдам беради. Ахир,

миллионлаб инсонлар томоша қиладиган Голливуд блокбастери, ҳинд ва турк сериалларида Бухоронинг Пойи Калони, Самарқанднинг Регистони ёхуд Шахрисабзнинг Оксаройи акс этса, шу кўҳна кентларни зиёрат қилиш истагида юртимизга озмунча сайёҳ оқишлари бўлади. Мана сизга ақлли пиар, бундан ортқ рекламага ҳолат ҳам йўқ!

Масаланинг яна бир ижобий томони бор — Ўзбекистонда суратта олинган киномаҳсулотларга, биринчи навбатда, ёшларнинг назар-нигоҳи тушади. Демак, кинотуризмни ёшлар туризмни ривожлантириш воситаси сифатида қабул қилиш аниқ муқаддас. Дарвоқе, фармонга "rebate" би-

лан боғлиқ банд Ўзбекистон ёшлар иттифоқи қошидаги Кинематографияни ривожлантириш маркази ташаббуси билан киритилди. Бу масалани марказ мутахассислари кўпдан буён ўрганмоқда. Ҳужжатда ўз инфо-дасини топган амалий тақлифлар сирасида юртимизда анъанавий



тарзда ўтказиладиган "PROlogue" халқаро кинофестивали доирасида "LocationEXPOuz" маҳаллий кинолокацияларнинг халқаро кўргазмасини ташкил қилиш ҳамда Ўзбекистонга келатган чет эл кинокомпанияларига бепул асосда ташкилий ва техник ёрдам кўрсатиш ҳам бор. Колаверса,

эндиликда ўзбек киноиндустрияси вакиллари ҳар йили кино оламидаги халқаро тадбирларда қатнашиб, юртимиз кинолокацияси, кинотуризмни ҳамда "rebate" тизимини тарғиб қилиш имкониятига эга бўлади. Бунинг учун бир қанча манбалар, жумладан, Ёшлар иттифоқи ҳисобидан мақсадли маблағ ажратиш кўзда тутилган.

Маълумот ўрнида айтиш керакки, жорий йилда Иттифоқнинг молиявий кўмаги асосида Кинематографияни ривожлантириш маркази вакиллари иборат делегация Франциянинг Канн шаҳрида ўтказилган кинобо-

зорда иштирок этгани. Мазкур нуфузли тадбир доирасида илк бор Ўзбекистон миллий павильони ташкил қилиниб, хорижий кинопродюсерлар билан музокаралар олиб борилди. Учрашув ва тақдиротлар жараёнида юртимизнинг сайёҳлик салоҳияти ҳам намойиш этилган.

ҚИШЛОҚДАГИ ТЕНГДОШЛАРИМИЗ ДАЛА, МОЛ-ҲОЛ ВА РЎЗҒОР ТАШВИШЛАРИДАН ОРТИБ, ҲАР ЙИЛИ САЁҲАТГА ОТЛАНСА, ЯНГИ ТААССУРОТЛАР ТАЪСИРИДА ҲАЁТГА ТАШНАЛИГИ ОРТСА, ҚАНИ ЭДИ. ШУНДАЙ КУНЛАР КЕЛИШИГА ИШОНАМИЗ!

Мамлакатда туристик манзиллар географиясини кенгайтириш аниқ вақтда ўз эчимини кутаётган яна бир муҳим масаладир. Зотан, сайёҳларнинг таби-диди ҳар хил бўлади. Биров тарих ва маданиятга қизиқса, бошқалар оддий халқ билан яқин бўлгиси келиб, маҳаллама-маҳалла кезади. Бирок

Илк қадамни давлатнинг ўзи бошлаб беради. Президент фармонида кўра, жорий йил 1 ноябрдан Ўзбекистонда туристик мақомига эга маҳалла, овул ва қишлоқлар пайдо бўлади. Бунинг учун сайёҳлик салоҳиятига эга ҳудудда камида 20 та оилавий меҳмон уйи ташкил қилиниши ҳамда камида беш хил хизмат тури кўрсатилиши шарт. Мана шу ишларга

бел боғланса, қанчалаб одамларнинг бири икки бўлиб, турмуш тарзи, дунёқараши, ҳаётга муносабати тубдан ўзгаришини тасаввур қилиб кўринг-а.

Гапни яна ёшларга олиб бориб тақаймиз. Иссиқ жойини ташлаб, ўзга юртларда қора меҳнат қилаётган йигит-қизларимиз оз эмас. Улар она қишлоғида сайёҳларга хизмат кўрсатиб, тузуккина даромад топиш мумкинлигини кўрса, албатта, қайтади. Ўз юртида талбиркорлик фаолиятини бошлайди, оиласи бағрида эмин-эркин ҳаёт кечиради. Ахир, дунёнинг кўпгина мамлакатларида шундай-ку. Нега энди бизнинг кўлимиздан келмас экан. Келганди қандоқ! Кунт ва ирода керак, хоҳос.

Баҳоҳо масканларни туристик манзилларга айлантириш одамлар онг шуурини ҳам юксалтиради. Киши ўзидаги тараққийнинг кўриб, ўзгалар қандай яшаётганини кўриб-билгиси, юрт, дунё кезгиси келади. Кишлоқдаги минг-минглаб тенгдошларимиз дала, мол-ҳол ва рўзгор ташвишларидан ортиб, ҳар йили саёҳатга отланса, янги таассуротлар таъсирида ҳаётга ташналиги ортса, қани эди. Шундай кунлар келишига ишонамиз! Ҳарқалай, ҳаммаси ўз кўлимизда-ку.

Шу ўринда аччиқ бўлса-да, бир ҳақиқатни айтишни лозим топдик.

Мутасадди ташкилотлар вакиллари турли-туман давраларда ёшлар туризмни ривожлантиришга, дея оғиз кўпиритиб гапиршидан чарчамаяпти. Аммо бу гапларга ишониш қийин.

Сабаби, айтайлик, Тошкентдан Бухорога саёҳат қилмоқчи бўлган талаба ёки ёш оила транспорт, меҳмонхона, овқатланишга ҳамма қатори харажат қилади. Ёшлар учун махсус турлар, арзонлаштирилган чипталар, хотеллар йўқ. Хорижга тугул, ҳатто мамлакат ичида саёҳат қиламан деганлар анча-мунча харажатга тушади. Эҳ-хе, бундай шароитда ижтимоий химояга муҳтож қатлам бўлмиш ёшларга йўл бўлсин!



Ўтган йили www.regulation.gov.uz сайтида ёшлар туризмни ривожлантиришга доир Президент қарори лойиҳаси жамоатчилик муҳокамасига қўйилган эди. Унда юқорида тилга олинган ва бошқа қатор муаммолар ечими юзасидан аниқ тақлифлар мавжуд. Таассуфки, орадан роппа-роса бир йил ўтибдики, қарор хали ҳам қабул қилингани йўқ...

Наргиза УМАРОВА

Jonajon O'zbekistonim,

ЮРТИМ



Бошланғич 1-саҳифа.

Кўҳна кентнинг янги қиёфаси

Самарқанд — қадим тарихнинг жонли кўзгуси, асрлар силсиласида шаклланган ўзига хос тарихий анъанаси билан бугун янада чирой очмоқда. Сўнгги йилларда вилоятда бунёдкорлик, ободончилик ишлари жадал давом этмоқда.

Таъкидлаш керак, уч ярим миллион аҳолига эга кўҳна кентда икки миллион нафардан зиёд ёш истикомат қилади. Бу ёшларнинг хоҳиш-истаклари, қизиқишларини қондириш, ватанпарварлик туйғуларини кучайтириш ўта долзарб вазифадир.

Лойиҳа доирасида "Мен волонтерман", "Ўзбекистон Куролли Кучлари — матонатли ёшларнинг ҳаёт мактаби", "Муваффақиятга эришиш сирлари", "Хорижда меҳнат қилаётган ёшларнинг оила аъзолари билан учрашув", "Барчаси ўз кўлингизда" тарғибот декадаси, ажрим ёқасидаги оилалар учун "Психологик қабулхона", "Фарзандлик бурчим" патронажи, "Ёшлар кутубхонаси" каби лойиҳалар, ёшлар етакчилари оилада маиший зўравонликка учраган мактаб ўқувчилари билан профилактика ишларини олиб бориши учун семинарлар ўтказилди. Президентимиз илгари сурган бешта муҳим ташаббуснинг мазмун-моҳиятини аҳоли, айланикка, ёшлар ўртасида кенг тарғиб қилишга қаратилган учрашувлар ташкил этилди.

Ўқувчилар фаол, аммо...

Пайриқ туманидаги Ёшлар марказида адабиётга ошурта ўйил-қизлар таникли ижодкорлар билан учрашди. Бадиий ва ғоявий жиҳатдан тўқис асарлар яратиш сирларидан воқиф этилган ўқувчилар ўз ижод намуналарини устозларга хавола этди. Дирёбек Қаршиев, Фарангиз Ўрлобоева сингари ёшларнинг шеърлари йиғилганларга манзур бўлди.

Истеъдодли ёш ижодкорларни рағбатлантириш, руҳлантириш мақсадида ҳар бир вилоятда альманах чиқариш кўзда тутилган, — дейди Республика Ёш ижодкорлар кенгаши ҳодими Гулҳаё Анарова. — Кўряпмизки, бундай умидли ёшлар жуда кўп. Уларнинг аксарияти мактаб ўқувчилари. Болаларнинг шеърятга қизиқишини

кўриб қувондик. Ўз навбатида ижодкор ўсмир-ёшларнинг ҳам бундай талбирларда фаол бўлишини истардик...

Худди шундай талбир Оқларё, Каттакўрғон, Пастдарғом туманларида ҳам ўтказилди.

Ички туризм ривожланмоқда

Самарқандда туризм ривожланмоқда. Шарқона услубда бунёд этилган саройлар, масжид-мадрасалар, зиёратгоҳлар, тарихий обидаларни томоша қилиш учун дунёнинг турли давлатларидан сайёҳлар келади.

Тарғибот лойиҳаси сайёҳлик мавзусини ҳам четлаб ўтмади. Зеро, бугун ривожланган мамлакатларда туризм ва сервис хизмати талаб кучли. Бу соҳа иқтисодиётнинг мустаҳкам устунларидан бирига айланиб бормоқда. Шу бонем юртимизда ҳам соҳага қатъ эътибор берилляпти. Қабул қилинаётган фармон ва қарорлар самараси ўлароқ, ички туризм, табиий туризм ва зиёрат туризми каби йўналишларда жадал ривожланиш сезилмоқда.

Вазирлар Маҳкамаси ҳузурдаги Имом Бухорий халқаро илмий тадқиқот марказида "Ёшлар дунёқарашини юксалтиришда вилоятлараро ички туризмнинг роли" мавзусида семинар ўтказилди. Унда ҳадис илмининг султони Имом Бухорийнинг ҳаёти, босиб ўтган йўли ҳамда бой илмий мероси ҳақида маълумот берилди.

Ўйил-қизлар Имом Бухорий зиёратгоҳида ҳам бўлди. Улар ҳаётнинг янги ва ривоятлар асосида аждодаларга муносиб авлод бўлиш моҳиятан нима эканини ақлан хис этди, десак адашмаймиз.

Пастдарғом автомобиль йўллари колледжиде ички туризмни ривожлантириш мавзусида ёшлар билан давра суҳбати уюштирилди. Эътиборлиси, вилоятда ёшлар иштирокидаги ички туризмни фаоллаштириш учун имкониятлар кам эмас. Гап шундаки, шу йил 30 июни — Ёшлар куни арафасида вилоят ҳокими Ёшлар иттифоқининг вилоят кенгашига иккита автобус соғва қилган эди. Энди маҳаллий ўқувчи-ёшлар кенгашига мурожаат қилиб, хафтанинг сешанба ва жума кунлари саёҳатга чиқиши мумкин.

Бу имкониятдан унумли фойдаланишга интилаётган Ёшлар туризм агентлиги вилоят ёшларининг юртимиз, жумладан, Самарқанд бўйлаб



Динара ЮСУПОВА

Ja'rayon

Ёш китобхонлар сараланди

Ёшлар иттифоқи Марказий Кенгаши томонидан ташкил этилган анъанавий "Ёш китобхон" республика кўрик-танловининг Навоий вилояти босқичи якунланди.



Танлов 2 шарт асосида ўтказилди. "Буюк мутафаккир ва адиб" шартиде иштирокчилар экспертлар тавсия этган аллома, ўзбек ва жохон адабиёти намояндалари ҳақида маълумот бер-

ган бўлса, "Бадиий асарлар билимдони" шартиде ўқиб эшиттирилган сюжет қайси асарга тегишли эканини, унинг мазмун-моҳияти, ғояси ва аҳамиятини шарҳлаб берди.

10-14 ёш тоифаси бўйича Зарафшон шаҳридаги 2-мактаб ўқувчиси Дилноза Сирожиддинова 162,6 балл билан, 15-19 ёш тоифаси бўйича Зарафшон шаҳридаги 13-мактаб ўқувчиси Дилбар Мухаммадова 127,2 балл билан голибликни қўлга киритди. 20-30 ёш тоифасида Навбахор туманидаги 23-мактаб ўқувчиси Элмира Тоирова 166,3 балл билан биринчи ўринни эгаллади.

— Машхур файласуфлардан бири дунёдаги барча инсонларни иккита: китоб ўқийдиганлар ва китоб ўқийдиганларни тинглайдиган тоифасига тақсимлайди, — дейди Навбахорлик Элмира Тоирова. — Бутун аксарият ёшлар биринчи тоифа вакиллари сафини кенгайтирмоқда. Президентимиз илгари сурган ғоя ҳам аслида шу: китобхон ёшларни кўлайитири.

Дилноза АБДУҲАМИДОВА

mangu bo'l omon!

КЕЛАЖАГИ — МЕНИНГ ТАҚДИРИМДА

зиёрат туризмни ташкил этмоқда. Бунинг натижасида ўғил-қизларнинг дунёкараши кенгайиб, тарихимиз ҳақида қўллаб маълумотларга эга бўляпти, бўш вақтлари мазмунли ўтмоқда.

Тадбиркорлар машғулот ўтказди


Самарканд иқтисодиёт ва сервис институтида “Муваффақиятга эришиш сирлари” мавзuida ўқув-семинари бўлиб ўтди. Ёш тадбиркор Абдулла Бахромоов бизнес оламига энди кириб келадиган ука-сингиллари билан ўз тажрибасини ўртоқлашди.

— Ҳозир “Ўзбекистон қачон ривожланар экан?”, деб қараб ўтирадиган давр эмас, — дейди Абдулла Бахромоов. — Мамлакатни тадбиркор, билимли, ишбилармон ёшлар ривожлантиради. Ўз манфаатимиз учун топадиган ҳар бир даромадимиз ажинларимизга, юртимизга наф келтириши керак. Ана шунда тадбиркор муваффақиятга эриша олади.

Бизнесни ривожлантиришга доир машғулотлар Самарканд, Булунгур туманларида ҳам ўтказилди. Уларда йигит-қизлар “Yoshlar — kelajagimiz” дастури асосида 900 миллион сўм кредит олиб, самарали тадбиркорлик фаолиятига асос солган Жасур Болтаевнинг фикр ва таклифлари билан танишди. Машғулотлар ўнлаб ёшлар қалбида келажакка ишонч, истикболни ўз қўллари билан қуришга рағбат уйғотди.

Кувёв ҳам, келин ҳам ишсиз...

Халқимиз мурувват ва меҳр-оқибатни азиздан қадрлайди. Бу анъана тарғибот гуруҳининг ҳам эсидан чиқмади. Найарик, Оқдарё, Пастдаргом, Кат-



такўрғон туманларидаги кам таъминланган оила фарзандлари ҳолидан хабар олинди. Оқдарё тумани ҳокимлиги ташаббуси билан Галаравот қишлоғида яшовчи Абдулла Мардиев ҳамда Отабек Турдиқулловнинг никоҳ тўйи ўтказиб берилган эди. Лойиҳа иштирокчилари уларни ҳам йўқлаб, ёш оилаларга эсдалик совғалар улашди.

Шу ўринда бир мулоҳаза. Ҳар икки кувёв йигит куч-қувватга тўла, аммо доимий иш ўрнига эга эмас. Мавсумий ишлар билан рўзгор тебратяпти. Бунинг устига келинлар ҳам ишсиз. Масъуллар уларга корхоналардаги бўш иш ўринлари ҳақида маълумот бериб, мутасаддиларга учрашишни уқтиришганда келин-куёвлар юз-кўзида ҳеч қандай кизиккиш сезилмади. Тумандаги “Афросиёб” маъсулияти чекланган жамиятига қарашли тикувчилик корхонасида хотин-қизлар учун ҳам иш ўринлари яратилган. Таассуфки, келинлар ҳам бу ҳақда бош қотираётгани йўқдек. Улар вазиятдан нолиб, ҳокимлик амалий ёрдам беришдан умидвор. Аслида улардан ҳам шароити оғир, имконияти чекланган ўғил-қизлар талайгина.

Мана, пайариклик Зуҳра Узокова йигирма ёшга қарашли. Қўли шикастланган бўлишига қарамай, оёқлари ёрданга расми чиқди. Унинг матонати ва интилишига қойил қоласиз...

Яна бир масала. Оқдарёлик Шаҳзод болалигидан жисмоний тарбия ўқувчиси бўлиб, чемпионларни етиштиришни орзу қиларди. Бирок тақдирни қарангки, кутул-

маган фалоқат туфайли мажруҳ бўлиб қолди. Мустақил ҳаракатлана олмайдиган, бир неча йилдан бери тўшакка михланган. Унаси Шаҳзод виллоят марказидаги шифохонада даволанганда анча соғайиб қолгани, бироқ у ерда даволаниш учун зарур маблағи йўқлигини айтди.

“Боламнинг даволаниши учун ордер керак экан, шунга ололмай ҳалакитимиз. Мутасаддиларга илтимосимни етказсангиз...”, деб сўрар экан, ўзини йиғидан тўхтатиб туролмади. Албатта, бундай муаммолардан ҳам кўз юмиб бўлмайди. Онанинг кўзёшлари бизга кўп нарсаларни дарак бераётгандек. Умид қиламизки, масъул мутасаддилар бу масалани эътиборсиз қолдирмайди.

Матонатли ёшлар мактаби

Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг тегишли буйруқ билан кўрсатмаларига асосан, Каттакўрғон гарнизонидаги артиллериячилар ҳарбий қисми тарғибот гуруҳи томонидан Каттакўрғон шаҳридаги 6-мактабга таълим муассасасида “Жонажон Ўзбекистоним, мангу бўл омон!” шиори остида маданий-маърифий тадбир ўтказилди. Тарбияланувчилар иштирокида “Менинг Ватаним!” мавзuida расмлар танлови бўлиб ўтди.

Шу билан бирга, ҳарбий қисм кўмондонлиги вакиллари хизмат вазифини бажариши пайтида қаҳрамонларга халок бўлган ҳарбий хизматчиларнинг оила аъзолари ҳолидан хабар олди. Уларга моддий ёрдам кўрсатилди.

Мудофаа вазирлигига қарашли Кичик мутахассисларни тайёрлаш марказида “Ватаним севмоқ имондандир” мавзuida давра суҳбати ўтказилди. Бўлажак ватан химоячиларини маънан етук қилиб тарбиялаш мақсадида китоблар



“Ёшлар кутубхонаси” рукни остида чоп этилган 12 номдаги 120 мингга яқин бадиий адабиётни ўзда жамаган “Библиобус” Жиззахга етиб келди. Мамлакатимиз мустақиллигининг 28 йиллиги муносабати билан 6672 та китоб Жиззах виллоятидаги барча умумтаълим мактабларига тантанали равишда етказилди.

ажрашиб кетиши туфайли норасида гўдақлар тақдирини завол топади. Бундай нохуш вазиятларнинг олдини олиш мақсадида Ургут туманидаги ахборот-ресурс марказида ёш оилалар билан психологлар суҳбати бўлиб ўтди. Унда ажрим ёқасига келиб қолган оилаларни яраштириш масалалари кўриб чиқилди. Психологик тест ёрдамида оилалар эркак ва аёлларнинг муаммолари ўрганилиб, улар нақадар майда, арзимас сабаблар экани кўрсатиб берилди. Ажрашганда аҳд қилган беш оиланинг муносабатлари тикланди. Профилактик хисобда турувчи 8 нафар ёш билан яқка тартибда суҳбат олиб борилди.

Ёшлар иттифоқи ҳузуридаги Ёшларга ижтимоий-психологик хизмат кўрсатиш маркази мутахассислари туман ички ишлар бошқармаси профилактик хисобидан турган ёшлар билан “Низоли вазиятларда ўз ҳиссиётини енгиш”, “Стресс ҳолатларда онгли равишда ҳаракат қилиш”, Ёшлар иттифоқи тизимида фаолият юритаётган волонтер ва фаол ёшлар учун “Бошқарув психологияси”, “Лидерлик қобилияти” мавзуларида психологик семинарлар ўтказди.


Шундай тадбирлар Иштихон, Каттакўрғон туманларида ҳам ўтказилди.

Самарканд виллоятидаги тарғибот тадбирлари виллоят кенгаши биносидagi тантаналар саройидаги концерт дастури билан якунланди.

Лойиҳа Жиззах виллоятида давом этди.

Келажакни ўз қўлларимиз билан яратамиз!

Тақорланмас табиати, пурвиқор



тоғлари, мард ва меҳнаткаш халқи билан ажралиб турувчи Жиззах виллоятида бугун саккиз юз минг нафардан зиёд ёш иштирокат қилади. Худудда 268 та мактабга таълим муассасаси, 542 та умумтаълим мактаби фаолият юритапти. 78 мингдан зиёд ёш оила мавжуд. Ўтган йили худудда уч минг нафардан зиёд тадбиркор, минг нафардан ортиқ ёш фермер рўйхатга олинган. Шунга қарамай, эллик минг нафарга яқин ўғил-қиз иш билан таъминланмаган. Бу рақамлардан ўтган йили виллоятда ёшлар иштирокида 1 минг 642 та жинойят содир этилганининг сабабини англагандек бўласиз.

Бу факт ва рақамлар олдига бажарилиши керак бўлган ишлар кўплигини билдирди.

Жиззах виллоятида “Жонажон Ўзбекистоним, мангу бўл омон!” шиори остидаги тарғибот лойиҳаси халқимизнинг атоқли фарзанди, давлат арбоби Шароф Рашидов хайкали пойига гул кўйиш билан бошланди. Шундан сўнг меҳмонлар Зулфия ҳамда Ҳамид Олимжон хайкаллари бориб кўрди.

“Мен волонтерман”

Жиззах шаҳридаги Шароф Рашидов номидаги 10-мактабда “Мен волонтерман” лойиҳаси бўлиб ўтди. Тадбирда 50 нафардан зиёд ёш катнашди.

— Волонтерлик XVIII асрда Францияда пайдо бўлган, — дейди Ёшлар иттифоқи Марказий Кенгаши талаба ёшлар ва волонтерлар билан ишлаш бўлими координатори Убайдулло Алхамов. — Бугунги кунда Францияда 60, Японияда 20 фоиз, Германияда эса ҳар учинчи

одам волонтер хисобланади. Бизда эса бу ҳаракат энди шаклланмоқда. Аммо жараён тезлашган. Чунки қадимдан ота-боболаримиз бир ишни кўпчилигининг ёрдамида, баҳам-жихат бажарган. Бу волонтерликнинг илк кўринишидир.

Волонтерлик аслида нима экани, кўнгилларнинг мақсад ва вазифаларини тушунтириш, уларни фаолаштиришга доир тарғибот учрашувлари Зомин, Ғаллаорол туманлари ёшларида ҳам катта кизиккиш уйғотди.

Чет тилидан очик дарслар

Зомин туманидаги болалар оромгоҳида инглиз тилига кизикувчи ёшлар учун маҳорат дarsi ўтказилди. Машғулотлар турли интеллектуал ўйинларга бой бўлиб, йиғилганларда катта таассурот қолдирди. Дарсларда нафақат билимга чанқок ёшлар, балки тумандаги инглиз тили тўғрисида раҳбарлари ҳам катнашди.

— Ёшларнинг чет тилига кизиккишини кўриб, хайратландим, — дейди Республика ёшлар маркази инглиз тили тўғрисида раҳбари Мафтуна Тошпўлатова. — Оромгоҳ ўқувчиларининг зехни жуда ўткир. Болаларга ёшига қараб китоб танлаши кераклигини, шунда тилини осон ўрганиш имкониятини айтдим.

Жиззах шаҳри, Ғаллаорол туманларида ўтказилган очик дарсларда ҳам ўғил-қизлар инглиз тилидан билимларини янада мустаҳкамлади.

Етакчилар семинари

Жиззах иқтисодиёт касб-ҳуна қолледжида ёшларга психологик ёрдам кўрсатиш бўйича ўтказилган семинарда туманлардаги ёшлар етакчилари кизгин мулоқотга киришди.

— Фориш туманидаги 30-умумтаълим мактаби етакчиси, — дейди Абдулазиз Тоштемиров. — Ҳозир аъзоларимиз сони 330 нафар. Улардан тўрт нафари “Yoshlar — kelajagimiz” дастури асосида кредит олиб, тадбиркорлик фаолиятини бошлаган. Яна ҳам эътиборлиси, ёш тадбиркорларимиз ўн нафардан зиёд тенгдошини иш билан таъминлади.

Таътил янги оромгоҳда

Зомин туманида уч гектар майдонни эгаллаган болалар оромгоҳи 240 ўринга эга. Футбол, волейбол, баскетбол, теннис майдонига, мингдан ортиқ китоб фондига эга оромгоҳни барпо этиш учун 30 миллиард сўмдан зиёд маблағ сарфланди.

Каттакўрғон гарнизонидаги артиллериячилар ҳарбий қисми тарғибот гуруҳи томонидан Каттакўрғон шаҳридаги 6-мактабга таълим муассасасида “Жонажон Ўзбекистоним, мангу бўл омон!” шиори остида маданий-маърифий тадбир ўтказилди.



Шу йил 14 июнда фаолиятини бошлаган муассасида бугунги кунга қадар минг нафардан зиёд болажон хордик чиқарди. Республика қасаба уюшмаси тасарруфидagi оромгоҳда барча шароитлар яратилган. Рақс, мусика, шахмат, шашка, чет тили тўғрисидаги очилган.

Тумандаги “Зомин” спорт соғломлаштириш оромгоҳида кам таъминланган, ички ишлар бошқармаси рўйхатида турувчи болалар учун ўн кўлик бепул дам олиш мавсуми бошланди.

Беш ташаббус — беш имкон

Бугун каттаю кичик барча юртдошларимизни қувонтираётган бешта муҳим ташаббус доирасидаги тадбирларга ҳеч ким бефарқ эмас. Шароф Рашидов туманидаги марказий хиббонда “Беш ташаббус — ёшларга беш имкон” мавзuida ўтказилган давра суҳбатида бу янада яққол сезилди. Бу ҳаётбахш ташаббусларнинг мазмун-моҳиятини аҳоли, айниқса, ёшлар ўртасида кенг тарғиб қилишга қаратилган учрашувда ўғил-қизлар ўзларини кизиктирган барча саволларга жавоб олди. Мулоқотда фаол катнашган ўқувчиларга китоб ва эсдалик совғалар улашди.

Шу кун “Ёшлар кутубхонаси” рукни остида чоп этилган 12 номдаги 120 мингга яқин бадиий адабиётни ўзда жамаган “Библиобус” Жиззахга етиб келди. Мамлакатимиз мустақиллигининг 28 йиллиги муносабати билан 6672 та китоб виллоятдаги барча умумтаълим мактабларига тантанали равишда етказилди.

Шунинг билан “Жонажон Ўзбекистоним, мангу бўл омон!” шиори остида Самарқанд ва Жиззах виллоятларида уюштирилган ҳафталик ижтимоий вазифага янги қадамлар қилинган билан ажралиб турди. Маърузабозликдан тийилиб, асосан очик мулоқот услубига таянган учрашувлар қимматини оширди. Иштирокчилар зерикиб ёки бир чепда ухлаб ўтирадиган ҳолатлар қузатилмагани, ҳар ким қандайдир янги тушунча, билим ва рағбат билан уйига қайтгани ҳафталик самарали ўтганини кўрсатиб турибди.

Шерзод МАҲМУДОВ,
Шахноза ХОЛИҚОВА,
Элдор НАВРЎЗОВ,
Карим ЗАРИПОВ,
Азим АХТАМОВ.

Тошкент-Самарқанд-Жиззах-Тошкент.



Tengdoshlardan maktublar

Qush falsafasi

Oshxonamiz shiftiga taqab uya qurgan qaldirg'och ikki marta bolaladi. Ikkinchi "avlod"dan bittasi nimagadir ucholmay, uyadan poyla-ab turaverdi. Ota-onasi unga tinimsiz xo'ra tashir, jigarlari esa uya girdiga qo'nib, vijir-vijir qilgan, qanotlarini yozib-yozib qo'yardi. Xuddi: "...mana bunday uchasan, mana bunda-ay, Qani, uchasang-chi, u-uch!", deya yotgandek. Axiyri, kecha u pastga sho'ng'idi. U yoqqa urildi, bu yoqqa quladi... Xullas, ucholmadi. Uyaga ham qaytmadi. Bir simga qo'nib, tong ottirdi. Bu qun saharda, pishak-mishak yeb qo'ymasin deb, uyasiga opchiqib qo'yish uchun qo'l uzatsak, "pir-r" etib, tashqariga uchdi. Jigarlari vi-



jirlab ortidan uchdi. Ammo hovlimizdagi ishkomb ustiga qo'ndi-yu qotdi yana. Boz xo'ra tashir, tebrasida parvona bo'lish boshlandi unga. Shunda qayoqdandir paydo bo'lgan kalxat shuv-v kelib, uni changaliga ildi-yu ketdi. "Chirq" ham deyolmadi...

Ha, tabiatda hech narsa paysalga solinmas ekan...

Sherbek BOBONOR o'g'li

"Itlik qilgim kelar..."(?)

Ayrim yoshlar ijtimoiy tarmoqlaridagi sahifalariga: "Juda charchadim, yetar, to'ydim baridan!", "Yashayapman noiloj, o'z holimga kulgim keladi", "Odamligim unutib qo'yib, itlik qilgim kelar itlarga!", "Ba'zida menga yolg'izlik yoqimilroq tuyuladi" qabildagi yozuvlarni joylab, arz-dod qiladi. Yoshlar o'z holatini ifodalash uchun profiliga yozayotgan gaplari yoki qo'ygan suratlarini ko'rib yoqa uhlaysiz. Bittasi: "O'lsang, tobutingni ko'taradigan do'stlaring bo'lsin!", deb yozibdi. Suratning orqa fonida esa qabr toshi, yomg'ir

tagida jiqqa ho'l bo'lgan yigitlar to'dasi. Ko'rinishidan hali yigirma beshga ham kirmaganga o'xshaydi. Hali aqlini tanib ulgurmay, virtual olamga mukkasidan ketgan o'smir bora-bora reallik va xayolot chegarasini yo'qota boshlaydi. Bu olam uning fe'l-atvori, hayotiy qadriyatlarini, dunyoqarashini, kerak bo'lsa, taqdiriga ta'sir ko'rsatadi. Biz doimo o'zimizga: "Bu bilan nimaga erishaman?", "Shunga ketayotgan vaqtimni foydali ishlarga sarflasam-chi?", degan savollarni berib turishimiz kerak.

Gulandom UMAROVA

"Tarbiyasiz" shogird

Muallima Odilning tarbiyasizligi to'g'risida gaplashish uchun otasini maktabga chaqirtirdi. Mahmud aka maktabga kelgach, muallima: "O'g'lingiz mana bu yerda ko'rsatilgan dorini ichishi lozim. Bu dori diqqatni jamlashga qiyinaladigan va ko'p harakat qilishdan aziyat chekadiganlar uchun juda foydali. O'g'lingiz darslarni o'zlashtirishga qiyinaladi. Bu ham yetmagandek, sinfdoshlariga xalaqit beradi. Aytgan vazifaning teskarsini qiladi", dedi.

Mahmud aka o'g'lining tartibsizligidan xijolat tortib, uzr so'ragan bo'lsa, tengdoshlaridan ortda qolayotganini eshitib, o'yg'a taldi. Ota o'g'liga yuzlanib, dori olib berishini, u esa vaq-



tida ichishi kerakligini uqtirdi. Ammo Odil sinfdoshlari oldida uyalishini aytib, bundan bosh tortdi. Shunda muallima Odilga: "Unday bo'lsa, tanaffus vaqtida o'qituvchilar xonasiga borib, dori ichasan, qaytishingda menga qahva

Shahzod BARATOV

Nahotki majbur bo'lsa?



Yomg'irli kunda yoshi o'ttiz-o'ttiz beshlar chamasini opa uch-to'rt yoshli bolasi

bilan "Non puliga yordam qiling, qiynalib qoldik", deb turibdi. To'rt muchasi sog' bo'la turib, tilanchilik qilgandan ko'ra, biror yumush qilib, pul topsa bo'ladi-ku. Axir, qo'ldan berganga qush to'yamas, deydi.

"Tilanchi ayolning kechinmalarini sen qayoqdan ham tushunarding!" deya yotgandir. To'g'ri, tanasi boshqa dard bilmas. Ammo bir zum o'z haqiqatiga ko'z yumib, atrofini kuzating. Shohona hayot kechirish ham, g'aribona yashash ham o'zimizga bog'liq.

Kamola SOBITJONOVA

Tuqqan emas, boqqan — ona



Yaqin dugonamnikiga mehmonga bordim. U uyda to'rt yoshlardagi bolakay bilan yolg'iz o'tirgan ekan. Bolakay dugonamni "opa" deb chaqirganda hayron qoldim. Sababi uning ukasi yo'q edi-da! Aytishicha, "ukasi"ga tug'ilganidan beri g'amxo'rlik qilarkan. Bolakayning ota-onasi biznes bilan shug'ullanar, kun-u tun ishda ekan. Shuning uchun dugonamning oyisi bolaga qarab, katta qilibdi. Buning uchun Xosiyat xolaga oylik maosh to'lasharkan. To'rt yoshli go'dak Xosiyat xolaga, uning oilasiga shunchalik o'rganib qolganiki, ota-onasi kelsa, xuddi begonani ko'rgandek ortga tisariladi. Tuqqan emas, boqqan — ona, deb shuni aytisalar kerak-da...

Shahzoda SHOMURODOVA

Chinakam do'stan!



Assalomu alaykum, qadri "Yoshlar ovozi" gazetasi! Har soningni sog'inchi bilan kutaman. Yoshlar hayotiga oid bir-biridan qiziqarli, maqolalarni sevib mutolaa qilaman. Aka-opalarimning, tengdoshlarimning erishgan yutuqlarini o'qib, ularga havas qilaman. Ularga bundan-da katta zafarlarni tilayman.

Ayniqsa, to'rtinchi sahifadagi materiallar men va dugonalarimga juda yoqadi. Sen yozgi ta'tilda chinakam do'st, yaxshi hamrohsan. Sen bilan vaqtim mazmunli o'tmoqda.

"Yoshlar ovozi" gazetasi tahririyat xodimlariga ulkan ijodiy muvaffaqiyat tilab qolaman.

AseL KANALIMOVA,
Ohangaron tumanidagi
47-maktabning 8-sinf o'quvchisi

olib kelasan", dedi. Odil rozi bo'ldi. Bir oy barcha ishlar ular kelishganidek davom etdi. Muallima Mahmud akani ikkinchi bor chaqirtirdi. Unga o'g'lining xulq-atvori va o'zlashtirishi yaxshi tomonga o'zgarгани haqida maqtanib gapirdi. Mahmud aka xursand bo'lib, jilmaydi.

Uyga qaytgach, o'g'liga: "O'qishing yaxshi tomonga o'zgarгани zo'r bo'libdi-dal!", dedi. Shunda Odil: "Otajon! Bu juda oddiy. Men har safar o'qituvchilar xonasida ustoz uchun qahva tayyorlab, bir dona dorini unga solib qo'yardim. Shunday qilib, kundan-kunga ustozning asablari tinchlanib, darsni bamaylixotir tushuntiradigan bo'ldi", dedi.

Shahzod BARATOV

Shoshilinch xulosa

Erta tongda hamma ishga, o'qishga shoshmoqda. Avtobus tirband. Yoshi katta yo'lovchilar chiqishi bilan ba'zi yoshlar joy bo'shatmoqda. Ayrim yigit-qizlar esa, hech narsaga "e'tibor bermasdan" yo'lda davom etmoqda.

Nogoh bir ayolning: "Hozirgi yoshlarga hayronsan, hurmat nimaligini, joy bo'shatishni bilmaydi", deb yon o'rinidagi o'tirgan yigit tomon ishora qilgani hamma yo'lovchilarning e'tiborini tortdi. Beixtiyor men ham o'girildim. 14-15 yoshlardagi qorachadan kelgan, yuzida samimiyluk ko'rinib turgan bu yigit mayus yerga qaradi. Ayol: "Ota-onasi tarbiya qilsin, ko'chada kattalar bilan muomalani o'rgatsin, eh-h, bari befoya", deya yuzini yonga burdi. Yigit hamon yerga qaraganicha ketardi. "Shuncha gapni eshitib nima qiladi, ayolga joy bera qolmadi-ya", deb o'yladim.


Avtobus bekatta do'xtadi. Haligi yigit turtilla-surtilla, oqsoqlanib eshik tomon talpindi. Uning yuzlariga tikilib qoldim. Ko'zlarida milt-milt yosh ko'rinar, balki qotib qolgan edi. Malomat qilgan ba'zilar ichidan afsuslanib, achinish bilan qarardi. Yigitcha o'rinidagi ortiga suyb qo'yilgan qo'tiqtaoqni olib, avtobusdan tushib ketdi...

Dinara YUSUPOVA

Mutolaa san'ati

Jorj Simenon (1903-1989) belgiyalik yozuvchi. 1922-yilda Parijga borib, Fransiya fuqaroligini oladi. 1924-yili ilk yirik asari — "Mashinistka muhabbati" romani chop etiladi. Shundan so'ng o'ttizta roman va hikoyalarni o'n yettita taxallus bilan e'lon qiladi. 1929-yili mashhur komissar Megre ishtirokidagi romanlarning birinchisi yozuvchining haqiqiy ism-sharifi bilan e'lon qilinadi. 1951-yilda Belgiya fanlar akademiyasi a'zosi bo'ladi.

Jorj SIMENON



Uyimda o'zim yozgan KITOBLAR YO'Q

Odami kitob o'qishga nima majbur qiladi?

Men o'zimga tez-tez shu savolni berib turaman. Tom ma'nodagi ma'naviy ehtiyojmi? Ehtimol!

Odami o'zining yolg'izligini chuqur his etadi. O'zining fazilat va nuqsonlarini, imkoniyat va kamchiliklarini yaxshi biladi.

O'zini asar qabramonlari safida ko'rish, to'qima bo'lsa ham, o'shalarga o'xshash uchun o'qimaydimi? Ularning kamchiliklari orqali o'zidagi ayblardan bir qismini bo'lsa-da oqlash uchun o'qimaydimi?

Kimdir, yodimdan ko'tarilibdi — xotiram sustroq, shunday degan edi: "Biz hammamiz bekorchimiz".

O'qimoq — o'sha bekorchilarni ijro etish emasmi?

Tamadunimiz yaratgan olamni shunday ayblaydiki, inson unda o'zi uchun joy topolmaydi. U qanday odam bo'ldi? O'g'limning gaplariga quloq tutaman. Uning do'stlari nimalar haqida o'ylashini ham yaxshi bilaman. Zamonimizga kelib bir narsa g'oyib bo'ldi, uni o'z-o'zini boshqarish, tiyish deb atagan bo'lardim. To'g'rirog'i, u yo'qlik girdobida g'arq bo'ldi.

Hozir asosiy — bir joyda turib qolmaslik. Mashina yoki mototsiklning min-da, ko'chada senga o'xshaganlarni kutadigan joylarga bor, masalan, raqs maydonchasiga. Birtortasini "ilashtirib", kun bo'yi u bilan vaqtushlik qil, keyingi kuni esa uning qiyofasini ham unuting yubor.

Kap-katta bo'lib qolgan o'g'lim suratli kitob o'qishini ko'rib yozg'irsam, u o'qituvchisi ham shu kitoblarni ular bilan birga o'qishini, hatto o'quvchilardan kitoblarini vaqtincha olib turishini aytdi.

Shunda o'yalanib qoldim, mak-



odam hamma joyda ham bir xil. Men doim inson qalbi haqida yozganman, chiroyli va manzarali tasvir, tafsilotlarni esa tashlab yuborganman.

Nima uchun odamlar rus, afrikalik yoki lotin amerikalik deb atalsa ham, bir-biriga o'xshar ekan, mening kitoblarimni o'qimasligi kerak?

Mening g'ururlanishga hech qanday haqqim yo'q. O'z ishimi imkon qadar a'lo, talabchanlik bilan, qat'iy bajarishga intildim. Xotiralarim — umuman kitob emas. Bu — deraza pardalari tushirilib, eshigiga "Do not disturb" (Bezovta qilmang) deb yozilgan xona; bu — men istaymanmi-yo'qmi, qarshisiga qulay o'tirib olishim lozim bo'lgan yozuv mashinkasi.

Mashinka hammasiga guvoh: ko'pincha biror bobning qoq o'rtasiga kelganimda meni dahshat va ruhan tushkunlik qoplaganiga ham, o'ylaganimni oxiriga yetkazish uchun butun kuch-e'tiborimni yig'ib olganimga ham. Oxir-oqibat yozuv mashinkasiga nisbatan qalbmning nafat uyg'onishi tabiiy emasmi?

Ammo kitobga nisbatan nafratim yo'q. Toqat qila olmaydigan joyi shuki — ularning muqovasi bir-biriga tegib qator bo'lib turishi; bu manzara ularni yozish uchun qancha ko'p kuch-quvvatimni sarflaganimni eslataveradi.

Axir, men ularni o'zimga emas, boshqalar uchun yozganman. Kitoblarimning o'zgalur kutubxonasida bo'lgani yaxshi, faqat mening ko'z oldimda turmasa, bas.

Shuning uchun Sudeyskiy ko'chasidagi uyimda o'zim yozgan kitoblarni yo'q.

Rus tilidan HUMOYUN tarjimasi.

1 savolga 1 javob

— Oliy ta'lim muassasalariga hujjat topshirgan jismoniy yoki aqliy nuqsoni bor abituriyentlar uchun qanday imtiyozlar mavjud?

Gulruksor XIDIROVA
Vobkent tumani

Savolga yurist Farrux XUDOYBERDIYEV javob beradi:

Hukumatimiz tomonidan jismoniy-aqliy nuqsoni bor abituriyentlar uchun quyidagi imtiyozlar berilgan:

- Oliy ta'lim muassasalariga abituriyentlarni qabul qilishning umumiy soniga nisbatan nogironligi bo'lgan shaxslar uchun qo'shimcha ikki foizli davlat granti kvotalari ajratiladi.
- Oliy ta'lim muassasasining qabul komissiyasi tomonidan kirish imtihonlari o'tkaziladigan bino va auditoriyalarda nogironligi bo'lgan shaxslar uchun zarur shart-sharoitlar yaratiladi.
- Oliy ta'lim muassasalariga ko'zi ojiz abituri-



yentlarni qabul qilish Vazirlar Mahkamasining 2017-yil 20-iyundagi 393-son qarori bilan tasdiqlangan Oliy ta'lim muassasalarining bakalavriyatiga talabalarni o'qishga qabul qilish tartibi to'g'risidagi nizomning 3-ilovasida belgilangan tartibga muvofiq amalga oshiriladi. Asosiy, kirish imtihonlarida to'plash mumkin bo'lgan eng yuqori ballning 30 foizidan kam bo'lmagan ball to'plagan nogironligi bo'lgan shaxslar ballar ketma-ketligiga qat'iy rioya qilgan holda qo'shimcha ikki foizli davlat granti kvotalari doirasida talablikka tavsiya etiladi. Bunday imtiyozlar I va II guruh nogironligi to'g'risidagi ma'lumotnomaga ega, shuningdek, nogironligi bo'lgan shaxslarga beriladi.

Bilasizmi?



Mikroto'liqni pechda uzum isitilsa, u portlaydi



Mashhur komik aktyor Charli Chaplin "Kim Charli Chaplinga ko'proq o'xshaydi?" nomli tanlovda 3-o'rinni olgan!

E'lon!

Chilonzor kommunal xo'jaligi va xizmat ko'rsatish kasb-hunar kolleji tomonidan 2016-yil 4-iyulda Akramov Dilshod Mahkamovichga lift va eskalatorlardan foydalanish va ta'mirlash texnigi mutaxassisligi bo'yicha berilgan K № 4466494 raqamli diplom yo'qolgan tufayli bekor qilinadi.

MUASSIS
O'ZBEKISTON YOSHLAR ITTIFOQI
MARKAZIY KENGASHI

Gazeta O'zbekiston Matbuot va
axborot agentligida 2017-yil
2-avgustda № 0242 raqami bilan qayta
ro'yxatdan o'tgan.

BOSH MUHARRIR
Faxriddin KARIMOV


TAHRIR HAY'ATI

Mansur Bekmurodov, Begmat Ochilov, Madamin Safarov, Azim Mirzajonov,
Mehrinov Abbasova, Ra'no Shodiyeva, Shodmonqul Salomov,
Hamza Abdullayev — bosh muharrir o'rinbosari ("Yoshlar ovozi"),
Irina Kochergina — bosh muharrir o'rinbosari ("Молодежь Узбекистана"),
Javlon Vafoyev — mas'ul kotib ("Yoshlar ovozi"),
Yelena Kalinina — mas'ul kotib ("Молодежь Узбекистана")

Gazeta materiallari tahririyat kompyuter markazida terildi va sahifalandi.

Navbatchi
Ro'ziqul
OCHILOV
Dizayner
Xurshid
ABDULLAYEV

Tahririyat manzili: 100083, Toehkent,
Matbuotchilar ko'chasi, 32.
Telefonlar: (71) 150-22-74,
(71) 233-95-97,
(71) 233-79-69 (faks)



"Sharh" nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi
bosmaxonasida, A-2 formatda chop etildi.
Hajmi — 2 bosma taboq.
Korxonada manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41.
Indeksler: 203, 3203
Bahosi kelishilgan narxda.
Buyurtma G-813
Adadi — 18438
Bosilishga topshirish vaqti — 21.00
Topshirildi — 00.55